

ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

“ҚОДИРИЯ”НИНГ ЯНГИ ҚУДРАТИ

Долзарб мавзу



Мамлакатимизда сув тақчиллигининг олдини олиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, сув чиқариш иншоотларини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда “Осиё тараққиёт банки иштирокида Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида сув таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш (1-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2017-2024 йилларда Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Осиё тараққиёт банкнинг имтиёзли кредитлари асосида 143,8 миллион АҚШ доллари ажратилган. Лойиҳага кўра, “Оби ҳаёт инжиниринг” МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан Қибрай туманида жойлашган кунлик ишлаб чиқариш қуввати 100 минг м³ бўлган “Қодирия” сув тозалаш иншоотининг қурилиши 2024 йилнинг июлига қадар якунланиши белгиланган. Ҳозирда қурилиш ишларининг асосий қисми якунига етган.

2

Кун тартиби



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги етмиш тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси, сенатор Зойир Мирзаев бошқарди.

Вилоятда юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини қўриб чиқиш ва ҳал этишда халқчил, самарали тизим яратилган. Таҳлилларга кўра, иккинчи чорак якуни билан вилоят фуқароларидан Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,5 фоизга камай-

нинг ахборотлари тингланди. Вилоятда қурилиш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқ ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик соҳаларига доир вазифаларнинг бориши ҳамisha жамоатчилик назоратини талаб этади. Бу борада халқ вакилларининг фаолиги, жонқуярлиги, айниқса,



ган. Бироқ, шунга қарамай, халқ билан мулоқот қилиш, кўтарилмаётган муаммо ва масалаларга ўзибўларчилик кайфияти билан ёндашаётган айрим мутасаддилар томонидан мурожаатларни қўриб чиқишда қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилмоқда.

Президентнинг вилоятдаги Халқ қабулхонаси мудири Э. Қудратов ўз маърузасида аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратиб, бу буйича эришилаётган ижобий тажрибалар билан бирга мавжуд камчиликларни ҳам танқидий таҳлил қилди.

Кун тартибига мувофиқ, вилоятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан, тадбиркорларнинг қонуний мафдаатларини ҳимоя қилиш, вилоят ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш борасида ярим йиллик мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда галдаги вазифалар хусусида вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Т. Арипов, вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи У. Расулбердиев-

муҳимдир. Вилоят ҳокимининг тегишли соҳалар бўйича ўринбосарлари Б. Мелиев ҳамда Ш. Маҳмудовлар ўз ахборотларида айни шу хусусида тўхталиб, соҳага йўналтирилган маблағлар ва улардан самарали фойдаланиш, вилоятнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объекларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш масалаларини депутатлар муҳокамасига қўйдилар.

Сессияда оммавий қабулларда мурожаат қилган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга “Саховат ва кўмак” жамғармасидан тегишли маблағлар ажратиш, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларни оқилона тақсимлаш каби масалалар алоҳида муҳожама марказига чиқарилди.

Сессия якунида вилоят ҳокимининг кадрлар масалаларига доир айрим қарорлари ҳам депутатлар тасдиғига қўйилди.

Ўз муҳбиримиз
Жалолиддин ЭСОНОВ
/Тошкент ҳақиқати/
олган суратлар

Оҳангарон тажрибаси

МАҲАЛЛАЛАРГА ЮРИСТЛАР БИРИКТИРИЛДИ



Аввал хабар берганимиздек, Оҳангарон туманидаги маҳаллаларда оилалар билан ишлаш, ажримларнинг олдини олиш борасидаги ишлар таҳлили республикамизнинг бошқа туманлари билан таққослаганда юқори кўрсаткичларни қайд этган. Шундан келиб чиқиб, Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамованинг ташаббуси билан бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида, аввал Тошкент вилоятида, кейинчалик бутун республикамизда оила мустаҳкамлигини сақлаш ва ажримларнинг олдини олиш бўйича “Оҳангарон тажрибаси”ни йўлга қўйиш тақлифи илгари сурилган эди.

2

Таълим

УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ

Зангиота туманида мактабгача ва мактаб таълими тизимидagi педагог ходимлар учун “Устозлар миллий форуми” ўтказилди. Унда вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаров сўзга чиқиб, барча тизим мутахассисларини яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами ва билимлар кунини билан табриклади.



2



Вилоят бўйлаб


БЎСТОНЛИҚ тумани ҳокими Ж.Аҳмедов бошчилигида сектор раҳбарлари кичик sanoat зонаси ва “Бўстонлиқ фарм” эркин иқтисодий зоналари фаолияти билан яқиндан танишишди. Шунингдек, ҳудудда ўрнатилаётган юқори кучли иқтисодий зонадаги ишлар кўздан кечирилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.



ПИСКЕНТ туманининг “Мўминобод” маҳалласида Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси ташаббуси билан ўқув маркази очилди. Марказда имконияти чекланган аёллар, коллеж битирувчилари, ишсиз хотин-қизлар бепул касб-хунарга ўқитилади.



ЧИНОЗ тумани фавқуллода вазиятлар бўлими ходимлари томонидан ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда кучайтирилган тартибда профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, бозор, кўнгилочар масканлар, савдо дўконлари ва аҳоли яшаш хонадонларида бўлиб, фуқароларга носоз ёки қўлбола усулда ясалган газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик тушунтирилмоқда.




БЕКБОД туманининг “Саврак” маҳалласидаги намунали оилада “Бувижоним ўғитлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда иштирок этган онахонлар бахтли ҳаёт кечириш сирлари, оиладаги аҳиллик, фарзандлар тарбиясида нималарга эътибор қаратиш кераклигини ҳаётий мисоллар билан тушунтиришди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманининг “Ёриқ” маҳалласида истиқомат қилувчи Алимардон Солиев “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 33 миллион сўм кредит олиб, маҳаллада нон ишлаб чиқариш цехини очди.



“ҚОДИРИЯ”НИНГ ЯНГИ ҚУДРАТИ



Жумладан, бугунги кунда марказий сув тармоқларини тортиш ишлари 17 фоизга ба- жарилган бўлиб, ҳудуддаги 49 минг 256 хонадонга сув ўлча- гич ўрнатилган ва 265 минг нафардан зиёд аҳоли ичим- лик суви билан таъминланиши кўзда тутилган.

иншооти 9 та бўлим: 2 та сув тиндириш ҳавзаси, реагент қабул қилиб, 2 та сув кўтариш станцияси, сизотлаш, хлорлаш бўлими, тоза сувни сақлаш ҳавзаси, оқова сув узатиш на- сос станциясидан иборат.

суяқ ҳолда сақланади ва яна сув таркибидоги қолдиқ лой- қалик тиндирилади. Хул- лас, сув бир нечта зарарсизлантириш босқичидан ўт- гач, фойдала- нишга узати- лади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

шоотлари қурилиб, 3 та мавжуд иншоот таъмир- ланмоқда. Айтиш пайда туман бўйича 100 км.дан ортиқ магистрал қувур- лар тортилди. Маҳалла- ларнинг ички кўчаларига яна 285 км.га қувур тор- тиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, жараёнда Хитой давлати- нинг иккита йирик ком- панияси ҳамда Испания, Туркия давлатларининг консулъятив маслаҳат вакиллари ва техник на- зорат гуруҳлари фаол иштирок этишмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида “Қо- дирия” сув иншоотидан Д-900 мм.лик магистралдан Келес шаҳригача бўлган маҳал- лаларга сув очилиши режа- лаштирилган бўлиб, 2024 йил- нинг ноябрь ойигача туманнинг барча маҳаллаларига тоза ичимлик суви кириб боради.

Дарҳақиқат, сўнгги йиллар- да жадаллик билан амалга оширилаётган бундай хайр- ли ишлар халқимиз ҳаётига янги маъно-мазмун бахш этмоқда. Унинг натижа- лари эса аҳолининг сало- матлик кўрсаткичлари яхшиланаётгани, ҳудуд- ларнинг ижтимоий-иқти- содий ривожланиш суръ- атлари ўсаётганида яққол кўзга ташланмоқда.

Нозима РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбир- корлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида муво- фик, мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида яра- тилган имкониятлардан умумий фойдаланиб, респу- бликамизнинг иқтисодий кудрати ва экспорт салоҳияти- ни оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намоён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳаларни му- ваффақиятли амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиши янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида ибрат ва намуна кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ тадбиркорлар орден ва медал- лар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

“МЕХНАТ ШУХРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Бакиев Дилшод Бахтиярович – Оҳангарон шаҳридаги “Оҳангарон қувур металлургия заводи” масъулияти чеклан- ган жамияти таъсисчиси

Саинуридинов Саидмухтор Саидгаффарович – Оҳан- гарон шаҳридаги “Premier Electrotech” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Маншаев Алексей Николаевич – Қўбрай туманидаги “Kanishka Fur” масъулияти чекланган жамияти бош директо- ри

Ҳидоятлов Анвар Киличович – Оҳангарон шаҳридаги “Silk Plast Quality” масъулияти чекланган жамияти бош дирек- тори

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғри- сида”ги Фармойишига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари бор:

Абдухалилов Абдура- сул Абдурашидович – Бўс- тонлик туманидаги “Tugon Resort” масъулияти чеклан- ган жамияти таъсисчиси

компания” хорижий корхона- си директори

Ризаева Гавхар Ниғмо- новна – Паркент туманида- ги “Заркент Гавҳари” фер- мер ўҳжалиги бошлиғи

Хван Григорий Манги- мович – Юқори Чирчиқ туман- идаги “Hanuz Enterprises” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси

Саидхамедов Иқ- болжон Ибрагимович – Урта Чирчиқ туманидаги “Fresh Food Pack” масъулияти чекланган жамияти таъ- сисчиси

Ҳожиёв Набижон Нуг- манжонович – Чиноз туман- идаги “Perfect Paper Group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Салиев Сайдулла Инаятиллаевич – Тошкент туманидаги “Bonito Group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Эргашев Шуқуралла Зикруллаевич – Оҳангарон шаҳридаги “Оҳангарон қувур металлургия заводи” масъу- лияти чекланган жамияти раҳбари

Сиделёв Александр Юрьевич – Ангрэн шаҳри- даги “Теплоизоляция” на

Юсупов Акмал Маран- тович – Оққўрғон туман- даги “Yustex” масъулияти чекланган жамияти бош директори

Куни кеча Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев тақдирланганларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонлари- ни тантанали равишда топширди.

УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ

Маълумки, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да мамлака- тимиз ёшларининг таълим-тарбия- сига, уларнинг замонавий фан ва технологияларни қўллаган ҳолда чуқур билим олишлариغا эътибор кучайтирилмоқда.

Аввало, таълим ва мактабга таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, вилоятдаги 3-7 ёшли болалар камровини 2022 йилда 69 фоиздан 85 фоизга етказиш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг 1 февралидан Нурафшон шаҳри, Қуйи Чир- чиқ ва Янгийўл туманларидаги учтадан мактабда тажриба-синов тарихидаги ўқувчиларга иккита таълим тили ва битта касбини ўргатиш ишлари амалга оширилди.

– Вилоятдаги 451 та мактабда 2023 йилнинг 1 сентябридан бит- тадан касб ва иккитадан хорижий тилларни ўқитиш тизими жорий этилади, – дейди вилоят мактабга- ча ва мактаб таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Диевбек Ҳайда- ров. – Яна шуниси ҳам муҳимки,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



2023/2024 ўқув йилидан бошлаб вилоятдаги 200 минг нафардан зиёд бошланғич синф ўқувчилари- ни давлат бюджетидан белул соғлом овқатлантириш режага киритилган.

Форум ўз ишини шўьбаларга бўлинган ҳолда давом эттирди. Унда бошланғич таълим, математика, физика, кимё, информатика, ахборот технологиялари ва бошқа йўналишларда педагогларнинг ма- лакаси оширилди.

Ўз навбатида, мазкур форум бўйича барча туман ва шаҳарлар ҳамда умумтаълим мактаблари ке- симида педагогик кенгашлар ўтқа- зилиши таъкидланди.

Абдулазиз МУСАЕВ

МАҲАЛЛАЛАРГА ЮРИСТЛАР БИРИКТИРИЛДИ

Куни кеча туманда Бош вазир ўринбосари Зулайхо Маҳкамова, туман ҳокими Эркин Муҳитдинов, Вахот Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зухра Миргазиева иштирокида маҳалла “Бешлик”лари учун семинар ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан масъуллар давлатимиз томонидан оилани асраб-авайлаш, қадриятларимизни мустаҳкамлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғри- сида сўз юритиб, тумандаги тизими мамлакатимизда кенг жорий этиш мақсадида “Оҳангарон тажрибаси” йўлга қўйилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Жумладан, туман адлия бўлими бошлиғи Бахриддин Жўраев оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган йўриқнома ва унинг мазмун-моҳиятини йиғилганларга атрафли- ча тушунтирди. Шунингдек, тумандаги 34 та маҳаллага адлия бўлими, ИИБ, прокуратура, суд идораларидан ҳуқуқшунослар бирикти- рилганлиги, эндиликда, маҳалла “бешлиги” доимий равишда оилавий масалалар бўйича улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши қайд этилди.

Оҳангарон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати



ТАРАҚҚИЁТ ҚУШАНДАСИГА ҚАРШИ ДАДИЛ ЧОРАЛАР

Коррупция – тараққиёт қушандаси. Порахўрлик – ҳар қандай ислоҳот йў- лига ғов. Бу ортиқча тасдиқ талаб қилмайдиган аксиома. Охириги йиллар Ўзбекистонда коррупцияга қарши тоқатсизлик кайфиятлари кучайиб, бу борада илгор хорижий тажрибалар асосида дадил амалий чоралар кўрил- моқда. Асосий эътибор коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнда жамоатчиликни кенг жалб этиш каби мақсадларга қаратилган. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари то- монидан жорий йилнинг 8 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги муҳим қонуни имзоланди.

зифалар қўйилмоқда.

Агентлик ўз ташаббусига кўра ҳар қан- дай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, ўрганиш ва текширишлар на- тижалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳуж- жатнинг қўлланилишида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар факти аниқланган пайтда ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экс- пертизасини ўтказиш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва улар тизимидаги органларнинг, Ўзбеки- стон Республикаси Президентининг топши- рикларига кўра ҳам экспертиза ўтказиши мумкин.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги Ўзбе- кистон Республикасининг қонунлари, Пре- зидент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг, вазирларнинг, давлат қўмиталари ва идора- ларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган

буйруқлари ҳамда қарорларининг коррупция- га қарши экспертизасини ўтказиш.

“...Ёмонлик буткул қарор топиши учун комил инсонларнинг қўл қовуштириб ўтири- шидек биргина шароит етарли...”, деган эди XVIII аср инглиз файласуфи Эдмунд Бёрк. Ҳозир айтсак, балки кимгадир ёқмас, лекин тан олайлик, ахир, яқин-яқингача пора “ол- ди-берди”си биз учун шунчаки одатий ҳол, муаммони ечишнинг энг осон йўли, ўзига хос миннатдорчилик рамзи, “совға”, “сиздан угина, биздан бугина” қабилидаги манфаат илминжида берилмайдиган “туҳфа” сифатида қа- ралган. Ҳали ҳануз бундай лоқайд ва бефарқ муносабатимиз бугун бизни қайси боши берк кўчага, салкам жар ёқасига олиб келганини, афсуски кеч англаяпмиз. Шунинг учун ҳам ушбу қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжат- ларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупция- га қарши экспертизасида жамоатчиликнинг

иштирок этиши алоҳида модда сифатида киритилди.

Мазкур моддага кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ах- борот воситалари норматив-ҳуқуқий ҳуж- жатларнинг жамоатчилик экспертизасини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтқа- зишга ҳақли бўлиб, ушбу экспертиза дои- расида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши мумкинлиги белгиланди. Коррупциявий омиллар пай- ни қирқишда – ошкора муҳит, очик ва шаф- фоф фаолият ўта муҳим. Қўвонарлиси, ҳужжатда жамоатчилик томонидан тақдим этилган тақлиф ва тавсиялар мажбурий равишда кўриб чиқиши лозимлиги қайд этилди.

Энг муҳими, бундан буёғига аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган- лари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари давлат ор- ганлари ҳамда ташкилотлари томонидан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат- лар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш жараёнида иштирок этиши мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, тарихий деб баҳо- ланаётган мазкур ҳужжатда, шунингдек, коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий

омиллар сифатида нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқли- ги, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бар- ча жиҳатлар алоҳида белгилаб олинди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойи- ҳаларининг коррупцияга қарши экспертиза- сини ўтказиш бўйича экспертлар реестри Адлия вазирлиги томонидан юритилади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказиши чоғида уларга Адлия вазирлиги билан биргаликда услу- бий ёрдам кўрсатади.

Ҳа, мамлакатимиз узоқ вақтдан буён мана шундай привентив чора-тадбирларни қутаётган эди. Тўғри, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар, соҳада муаммолар, ечимини қутаётган камчиликлар талайгина. Қола- верса, ушбу қабул қилинган ҳужжат билан порахўрлик ўз-ўзидан, таг-туғи билан йўқо- либ кетади, дегани ҳам эмас. Бунинг учун барча бирдамликда курашиши, жамоатчи- лик назоратини кучайтириши керак. Бу йўл- да зарур қадамлар амалга оширилган.


Илҳомжон АБДУСАТТОВ, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

Унга кўра, Ўзбеки- стон Республикаси Корруп- цияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бў- лимлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқарувчилари бўлган давлат органлари ва ташкилотлар- нинг юридик хизматлари ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси- ни таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экс- пертизасини ўтказувчи субъектлар ҳисоб- ланиши белгиланди.

Тан олайлик, дунё тажрибасига юзлана- диган бўлсак, ҳеч бир мамлакатни мутлақо коррупциядан ҳоли дея айтиш мумкин. Бир- оқ бу иллатга қарши привентив чоралар- ни кўриш орқали максимал даражада ми- нималлаштириш мумкин, холос. Шу бо- сис мазкур ҳужжат билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги олдига қатор муҳим ва-

Ана холос!

Абитуриентларнинг ярми 56,7 балл ҳам тўплай олмади...



Маълумотларга кўра, жорий йил 888 минг 472 нафар абитуриент тест имтиҳонларига кирган. Шундан, 439 минг 337 нафар (49,4 фоиз) абитуриент ўтиш кўрсаткичининг энг куйи чегараси бўлган 56,7 баллни ҳам тўплай олмаган. Маълумки, 56,7 баллдан кам тўплаганлар квотада жой бўлса ҳам ўқишга кира олмайди. 56,7 дан кўп балл тўплаган абитуриентлар сони эса 449 минг нафарни (50,6 фоиз) ташкил қилмоқда. 60 мингга яқин абитуриент эса умуман имтиҳонга келмаган.

Баъзи ҳудудларда шу пайтгача бу ерда яшамаган жониворлар, ҳашаротлар пайдо бўлиб қолади, мослашади, кўпаяди ва маҳаллий махлуқлардан устун кела бошлайди. Кўпинча, бунга инсон омилли сабаб бўлади. Баъзан эса, табиий омиллар.

“КЕЛГИНДИ”лар


Мана, уларга бир неча мисол. **Ипак курти.** Хитойдан Бухорога келин олиб келинганда яширинча келтирилган, дейишади. Хитой ипак етиштириш технологиясини дунёдан сир сақларди. Мамлакатдан биров чиққудек бўлса, юкларни қаттиқ текширилиб, ипак курти уруғини олиб чиқиб кетишга уринганлар ўша заҳоти, шу ернинг ўзидаёқ қатл этиларди. Бухорога узатилаётган хон қизидан шаҳзода қуввола ўзи билан ипак куртини яширинча олиб келишни қаттиқ илтимос қилган. Малика ҳам келажакда ўзи ва авлодига тегадиган фойдани, қолаверса, мамлакат аҳли бой бўлишини кўзлаб, ипак курти тут уруғини сочлари турмаги орасига яшириб, божхонадан ўтган экан...

Динго итлари. Австралияга итлар Жанубий хитойлик балиқчи сайёҳлар билан бирга келиб қолган. Шимолий Австралия кўпроқ саҳродан иборат бўлгани сабабли бу ерларда қолиб кетган ва тезда кўпайиб, кенгуруларга ҳамла қила бошлаган. Инглизлар бу қитъани ўзлаштириб, ингичка жунли кўйларни кўпайтира бошлагач, ёввойилашган саҳро итлари – динголлар кўй сурувларини ҳам тинч қўйишмаган. Ҳозир Австралиянинг саҳро ва яйлов ҳудуди орасини ажратувчи тиканли симлардан иборат девор тортилган. Бундан эса кўпроқ кенгурулар зарар кўрмоқда – улар тиканли симларга ўралиб қолиб, динголларга ем бўлмоқда. Бу итлар жуда айёр – кўплашиб кенгуру тўдасини тиканли симлар томонга қувиб боришади. Айрим кенгурулар майиб-мажруҳ бўлиб, хатто тиканли сим деворни ҳам бузи ўтиб кета олади, бир-иккитаси ўралиб қолади. Итларга эса – байрам. Кўйбоқарлар эса бузилган деворларни таъмирлар экан, кенгуруларни бўрала-тиб сўкишади...

Мустанг отлари. Америка қитъаси кашф этилган. Бундан эса кўпроқ кенгурулар зарар кўрмоқда – улар тиканли симларга ўралиб қолиб, динголларга ем бўлмоқда. Бу итлар жуда айёр – кўплашиб кенгуру тўдасини тиканли симлар томонга қувиб боришади. Айрим кенгурулар майиб-мажруҳ бўлиб, хатто тиканли сим деворни ҳам бузи ўтиб кета олади, бир-иккитаси ўралиб қолади. Итларга эса – байрам. Кўйбоқарлар эса бузилган деворларни таъмирлар экан, кенгуруларни бўрала-тиб сўкишади...

Дарвоқе

гач, Европадан келтирилган отлардан ёввойи Мустанглар пайдо бўлди. Улар йиртқишлар йўқ даштларда тез кўпайиб, маҳаллий ўтхўрлар бўлмиш бизонлар – ёввойи қорамолларга рақобатчи бўлишди.



Оқ амур ва дўнгпешона балиқлар. Урта Осиёда Мирзачўлни ўзлаштиришда каналлар тармоғи пайдо бўлди. Бу сунъий сув ўзанлари қамиш ва бошқа сув ўтлари билан ифлосланавергач, опис Шарқда, Амур дарёсида яшовчи ўтхўр балиқлар келтирилиб, каналларга қўйиб юборилди. Охириги етмиш йилда бу балиқлар кўпайиб, хатто сунъий ҳовузуларда ҳам сотиш учун урчилмоқда...

О. ХҲЖАНДИЙ тайёрлади

Мавзуга доир

ЎЙИН ҚИЛИБ ЎҚИШГА ТОПШИРИШ ҲАҚИДА

Шу кунларда 184,8 балл тўплаган абитуриент биринчи йўналиш сифатида Тошкент давлат аграр университетининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” йўналишини танлагани муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Яъни, шундай юқори балл оладиган абитуриент тиббиёт йўналишини асосий қилиб танласа ҳам бўлардику, деган маънода.

Айтишларича, ушбу абитуриент аслида тиббиёт олийгоҳларидан бирида 3-босқич талабаси экан. Ўқишга эса шунчаки ўз билимини синаш учун топширган, аммо ўқиш нияти йўқ.

Ҳа, қойил қолиш керак, ростдан билимли экан. Дегарли максимум балл олибди. Баракалла!

Аммо мазкур талаба йигит бу иши орқали қайсибир ҳақиқий абитуриентни давлат бюджети жойидан куруқ қолдирди. Яъни, амалдаги қонунчилик бўйича ўқишга кирган, лекин турли сабабларга кўра, ўқишни хоҳламасдан, рад қилган абитуриентларнинг жойи қуяди. Ўрнига бошқа абитуриент кўтарилмайди. Масалан, ҳозирги ҳолатда “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” йўналишига 50 та грант ажратилган бўлса, энди амалда 49 киши грантга киради. Агар мана шу билимли

РАҚАМЛАР ҚУРШОВИДАГИ **жаёт**

Бу оламда қанчадан-қанча арифметик сирлар бор. Биргина Қуръони каримдаги рақамли жумбоқларнинг ўзи неча замонлардан бери инсониятни ҳайратга солиб келади. Сонларнинг сирини фақат Яратганнинг ўзигина мукамал билади.

Ўйлаб кўрсам, каминани 4, 12 ва 16 рақамлари мудом қуршаб юраркан. Бунинг сирини ҳам Ўзигина маълум.

Масалан, “4”лар қуршови:

- 1954 йили тутилганман.
- Ойнинг 4-қунда туғилдим.
- Тошкентда биринчи Янги-ободдаги 14-уйда доимий рўйхатдан ўтганман.
- “Сағбон” кўчасидаги “Олча” гузарининг 1-тор қўчасидаги 4-уйга пропискамни кўчирганман.
- 1985 йилнинг 4 декабрида номзодлик диссертациясини ёқладим.
- 1986 йили Шумилов шаҳарчасидан уй сотиб олдим, 15 йиллик ижара балосидан қутулдик: у 44-уй эди.
- Шу уйга ўша йили 4 июнь кунини кўчганмиз.
- 1989 йили давлат уйимизини ларини чеклашга доим қарши бўлганман. Бу ҳуқуқ сифатида қолғиси керак. Лекин бу ҳуқуқни майнавозчилик учун ишлатиш нотўғри. Кимдир шунчаки билимини синаш учун ўқишга топширса, унда тестга кириб, саволлар билан танишиб, охирида белгиланган чизиқи керак.
- Умид қиламизки, кейинги йилда аввал тест топшириб, кейин йўналиш танлаш тизимига ўтилганда, мана шунақа бўшаб қоладиган ўринларга ҳам ақлли ечим топилади. Уқув йили ҳали бошланмасидан бўшаган ўринлар учун пастдагилар кўтарилиши керак. Иўқса, бу адолатсизлик бўлади. Xushnubek.uz

Ажаб сирлар

ва Ширин”и русча, тожикча таржималари ва ўзбекча насрий баённи қиссий ўрганиш” мавзусига бағишланган диплом иши ёқлаганман.

- 1986 йилнинг 16 апрелида СССР Олий аттестация комиссиясини форс тили бўйича қайта имтиҳонга қақирдим, муваффақиятли топширдим.
- Ўтган йили “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” номи остида 30 жилдлик чоп этилди. Шунинг 16-жилдидан каминанинг “Нақшбанд ва Навоий” монографияси жой олган, унинг бир қисми диссертация мавзусига доир эди.
- Шу йилнинг 16 июнида “Лисон ут-тайр”нинг қиссий поэтикаси: синтез, назарийлик ва таржимавийлик” мавзусида докторлик диссертацияси ёқланди.
- “Шухрат” медални соҳиблари, раҳматли ота-онамиз 1961 йили акам билан иккаламызга Қирғизистон қишлоғидаги ҳовлимизда бир алоҳида дархона қуриб, стол ва стул қўйдириб берганлар. Шунинг ижодхонага эга бўлиш учун ўзимнинг фалон йилим кетди. Ҳозир ўйласам, ўшандай ижодхона – ҳозир унча-мунча профессорда ҳам йўқ. Шундай қилиб, улар бизни илмга йўллашган экан.
- Кенг маънодаги Олимовлар хонадониди, яъни ота-онамизнинг фарзандлари, неваралари, кўв-келинлари орасида 16-диссертацияни ёқладим.
- Бир ўйлаб кўрингчи, сизда ҳам рақамлар билан боғлиқ шунақа ажабтоворликлар борми?

Султонмурод ОЛИМ

Сўраган эдингиз

– Сихаттоҳда бепул даволаниш учун кимларга йўлланма берилди?

Баҳром ТҮЙЧИЕВ
Ангрэн шаҳри

Саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА жавоб беради:

– Жамоа шартномалари орқали корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда ишлатган уюшма аъзолари ҳар 2-3 йилда имтиёзли йўлланмалар олиш ҳуқуқига эга. Бу йўлланмаларнинг 45 фоизини касаба уюшма аъзоси тўлайди. Ҳозирги кунда санаторийларнинг ўртача нархи 3 миллион 500 минг – 4 миллион сўмни ташкил қилса, шу сумманинг ярмидан камини касаба уюшма аъзоси, яъни ходим тўлайди.

Мисол учун, “Зомин” ҳамда “Оқтош” сихаттоҳларидан бошқа санаторийлар 12 кун дам олишга мўлжалланган. 12 кун давомида ходим 5 маҳал овқат, дори-дармон ҳамда муолажалар, ташхислаш, тиббий хизматлар, маданий тадбирлардан 45 нисбатини суммани тўлаган ҳолда фойдаланиши мумкин. Шунингдек, мутлақо бепул йўлланмалар ҳам бор. Улар боқувчисини йўқотган, кўп болали, ижтимоий ҳимоя-

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4845-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 95-сонли қарори талабларига мувофиқ, “ЗАНГИОТА ОБОДОН” МЧЖ

ташкilotи томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифлар Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўка, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Оққўрғон, Чиноз, Тошкент, Янгийўл туманлари ҳамда Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари учун 2023 йил 1 сентябрдан эътиборан қуйидаги тарифлар жорий этилмоқда. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари учун бир ойлик тўлов: – Бир нафар аҳоли учун – 4 400 сўм; – Юридик шахслар учун – 1 м³ қўшимча қиймат солиғисиз 61 000 сўм; қўшимча қиймат солиғи билан ҳисобланганда 68 320 сўмни ташкил этади.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

2023 йил 15 май кун Олмалик шаҳридаги 21-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчилари Маҳлиё ва Сўғдиёна светофорнинг яшил чироғига амал қилиб йўлнинг пиёдалар учун белгиланган қисмидан ўтаётган вақтда 19 ёшли Саиджон бошқарувидаги “Дамас”да тўхташ “қизил” чироғига амал қилмай, қизларни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этади. Натижанда, пиёдалар Маҳлиё Йўлдошова ва Сўғдиёна Олимжоннова олган тан жароҳатлари билан шаҳар марказий шифохонасига ётқизилган.

Жиноятга жазо муқаррар

бош мия шишиши каби оғир тан жароҳатлари олган бўлиб, улар оқибатида 9 кундан сўнг шифохонада вафот этди.

Мазкур жиноят иши юзасидан 2 ой давомида тергов ва суриштирув ишлари олиб борилди. Жорий йил 24 июлда Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судида ОАВ вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида очик сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Унда С. Хидиров Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, 2 йил муддатта транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ҳамда 6 йил муддатта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жиноятга жазо муқаррар. Бу вазиятда ҳам айбдор жазосини олди. Аммо бир қиз бевақт ҳаётдан қўз юмди, иккинчиси жароҳатланди. Шуларни англаган ҳолда судланувчи қилган ишидан пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқарса ажаб эмас.

Маъмур ТҮЙЧИЕВ, Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди раниси

Назорат

Ўзбошимча иш – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Тезкор тадбирда Тошкент вилояти Чиноз туманидаги “Исломобод” МФИда жойлашган “А.Ч.” УК электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олгани аниқланди.

Ушбу маҳалла ҳудудидаги “А.Ч.” УК тармоғига ноқонуний уланishi сабабли тизимга 1 миллиард 300 миллион 860 минг сўм (2 млн. 890 минг 800 кВт. соат) зарар етказгани маълум бўлди. Ушбу ҳажмдаги электр энергияси 14 мингдан ортиқ хонадоннинг бир ойлик истеъмолини ташкил қилади.

“Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилмоқда”, дейилди Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Ўзэнергомспекция” матбуот хизмати хабариди.

Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда бир қатор вазирилик ва идоралар ташаббуси билан ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Кўпкураш” спорт мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

Харбий ватанпарварлик



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ, ВАТАННИ!

“Тинчлигимиз, тараққиёт ва фаровонлик учун!” шiori остида бўлиб ўтган мусобақага 100 дан зиёд ёшлар қамраб олинди. Ўзига хос спорт фестивали ёшларни миллий армиямизда хизмат қилишга қизиқтириш, уларда мамлакат равнақи учун дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Фестиваль ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари билан бошланди. Қўл жанги, фахрий қоровулнинг саф тортиши машқларини йиғилганлар қарсақлар билан қўллаб-қувватлашди. Шунингдек, иштирокчи жамоалар тезкор савол-жавоб, қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш, камондан ўқ отиш, ҳарбий биатлон, арқон тортиш шартлари бўйича баҳслашди.

– Мусобақанинг ҳудудий босқичлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилди, – дейди Ёшлар иттифоқининг вилоят Кенгаши раиси Мухриддин Ҳамзаев. – Бугун ҳудудий босқичларда

ғолибликни қўлга киритган 4 жамоа иштирок этипти. Барчаларига омад тилаймиз.

Қизиқарли лаҳзаларга бой ўтган мусобақада Оҳангарон туманидаги 1-сонли



касб-хунар мактабининг “Энергетик” жамоаси ғолиб бўлди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Яқунда ғолиб ва соврин-



Жалолитдин ЭСОНОВ олган суратлар

дорлар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Ўткир ҲОШИМОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Газетхон илҳоми

Янги ҳаёт уғун,
Янги Ўзбекистон уғун!

Тонг отар, ҳар дам шамол,
юрт байроғи ҳилпирар,
Тунлар ойдин оқшомнинг,
юлдузлари пирпирар,
Чегарани кўриқлаб, аскарни бедор турар,
Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Баҳоридан гул олиб, ёзига солгин назар,
Деҳқонлари миришкор, тадбиркори юрт безар,
Ҳар соҳада рақобат, шижоатда ким ўзар,
Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Ўзбекнинг бек боласи, фикри, тафаккури кен,
Ҳеч кимдан кам эмасдир, ақлига ким келар тенге?
Буеун бир ёқадан бош чиқариб, шимардик енг,
Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Лаҳза сайин ошмоқда имкониятлар кочи,
Зукко, етук инсоннинг бўлди кўксига шони,
Замондошим, қўлни бер, қўлдан берма имконни,
Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Гулмира ШОКОМолова
Паркент тумани

Мана гап

Инсон гапиришни ўрганиши учун икки йилга муҳтож бўлади. Жим туришни ўрганиши учун эса, эллик йил керак.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

Бизга ёзадилар



МИННАТДОРМИЗ

Бугун юртимизда ички туризмни ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” лойиҳаси доирасида Пискент тумани “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуроний” жамгармаси ташаббуси билан бир гуруҳ кексалар учун Паркент туманининг “Қумушқон” қишлоғи ва “Ҳазрати Али бува” зиёратгоҳига саёҳат ташкил этилди.

Саёҳат давомида ҳудуднинг гўзал табияти ва ажойиб ҳавосидан баҳра олдик. Зиёратгоҳда эса юртимиз тинчлиги, элимиз фаровон яшашини тилаб, дуолар қилдик. Биз, нуронийларни сийлаб, шундай эътибор қаратаётган масъуллардан миннатдоримиз.

Нурали КЕНЖАЕВ,
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Пискент тумани бўлими раиси

ПАРКЕНТДА “УЗУМ САЙЛИ”



Пишиқчилик

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон 30 та хорижий давлатга қиймати 6,3 млн. долларга тенг 7,5 минг тонна майиз экспорт қилган. Бу ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 464 тоннага кўп. Бу рақамлар, албатта, юртимизда узумзорларни кенгайтириш, янги тоқзорлар барпо этиш, серхосил навларни кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижасидир.

Биргина Паркент узумлари ўзига хос тами, жилодор кўриниши билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорларга.

Куни кеча туманининг Заркент ҳудудига “Узум сайли” бўлиб ўтди. Тадбир журналист ва блогерлар учун ташкил этилган пресс-тур билан бошланди. Иштирокчилар Сўқоқ қишлоғидаги Улугбек номили маҳаллада истиқомат қилувчи боғбон Шукур

Обидовнинг ишкомида бўлиб, узум узиш, хомтоқ жараёнлари билан танишишди.

Шукур ака халқимиз дастурхонига энг сара узумлар етказиб бераётган боғбонлардан. Унинг боғида “Ҳусайни”, “Ризамат ота”, “Келин бармоқ”, “Қора шаҳзода”, “Шоҳонак” сингари ундан ортиқ узум навлари етиштирилмоқда. Эътиборлиси, оила аъзолари кузда пишган узумни тоқдан узмаган

ҳолда кейинги йилнинг баҳоригача сақлаб, табиий усулда харидорларга етказиб бериш борасида катта тажрибага эга. – Ишқом қилиш бизга бобомерос, – дейди Шукур Обидов. – Биз етиштираётган узумлар “лалми узумлар”, дейилди. Сабаби, сув ичмайди, шунинг учун шираси баланд. Бу йил 30 тоннадан ортиқ ҳосил йиғиб олиш ниятидамиз. Унинг 20 тоннасини хорижга экспорт қиламиз. Қолган қисми маҳаллий бозорда сотилади.

Ўз муҳбиримиз

“Памилдори” операцияси

Ҳақиқатан ҳам, бу гап ўша захоти тўйхонага тарқалди. “Памилдори” операцияси пишитиб қўйилди. Эрталабки ош дастурхонига памилдори ҳам тортилди. Домла ёнимда турган эди, маҳалла оқсоқолларидан бири келиб, у киши билан кўшқўллаб кўришди.

қоғоз-қалам олиб чиқинг. Қоғоз олиб чиққан эдим, буорди: – Ёзинг! “Тилхат. Менким, ушбу ҳужжатга имзо чекувчи фалончи пистончиев шуни эътироф этаманки, Озод Шарафиддинов тўйимизни

ошинг яхши бўптию, аммо памилдориси, айниқса, зўр экан-да! Экканнинг кўли дард кўрмасин!

Озод ака мамнун томоқ қириб кўйди. Зум ўтмай иккинчи одам келди. – Илоё ёшлар бахтли бўлсин! – деди қироат билан. – Дастурхон хў-ў-ўп тўкин бўпти-да, укам. Раҳмат! Айниқса, памилдорини айтгин! Асал-а, асал! Ишонсанг, мен ош еганим йўқ, нуқул памилдори едим! Озод ака камтарона ерга қараб турибди. Қариндошлардан бири памилдорини мактаб-мактаб, жиндай танқид қилиб ҳам ўтди. – Памилдори хўп яхши пишибди-ю, сал майдароқ эканми?



Биллур бисотдан

топдингиз бунақасини? Зимдан қарасам, Озод ақанинг қовоғи тушиб кетяпти.

Саид Аҳмад ака узоқдан мени қўйиб келаверди.

– Сен ярамасга қачон ақл қиради-а? Янгилик яратаман деб, ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош дастурхонига итузум қўйиш қаёқдан чиқди! Қаёққа қараса талинка-талинка итузум!

Озод ака бунисига чидай олмади. – Чўрт побер! – деди қўл силтаб. – Мен тўйга памилдори эмас, тарик обкелганман. Бўлдимми? Қутулдимми энди?!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
“Дафтар хошиясидаги битиклар”дан



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Nashr uchun mas’ul: Kumush EGAMBERDIYEVA
Navbatchesi: Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 22:00
Nashr ko’rsatkichi - 205.

Buyurtma G-831.
6 077 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manziliimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta “Toshkent haqiqati” tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.